Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 36 (8776).

18 февраль 1986 йил СЕШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

МЕҲНАТИМИЗ, ЮТУҒИМИЗ СЕНГА, ПАРТИЯ!

БАРЧА СОВЕТ ХАЛҚИ, РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ҚАТОРИ ОБЛАСТИМИЗ МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ҲАМ БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИГИДА АКТИВ ИШТИРОК ЭТИБ, ЗЎР УЮШҚОҚЛИК КЎРСАТДИЛАР.

УНУМЛИ БЎЛДИ

ОҲАНГАРОНЛИКЛАР КПСС XXVII съезди шарафига ўтказилган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида юқори меҳнат унумдорлигига эришиш учун олдиндан ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрдилар. Ҳамма ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиш ташкилотлари, хўжаликлар ва муассасаларда меҳнат байрамини ўтказишга махсус штаблар бош-қош бўлди. Улар шанбаликда қатнашувчилар сони, бажариладиган ишлар ҳажми ва унга масъул бўлган кишиларни белгилашди. Меҳнат байрами учун зарур материаллар ва асбоб-ускуналар етарли миқдорда тайёрлаб қўйилди. Шанбалик қатнашчиларига савдо, умумий овқатланиш, медицина ва транспорт хизмати кўрсатиш ҳам ҳисобга олинди.

Шу туфайли районда шанбалик зўр уюшқоқлик билан ўтди. Унда 45 минг нафар киши иштирок этди. Айниқса, «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Сантехлит» заводи, Эйвалик махсус темир-бетон комбинати ишчилари актив қатнашдилар. Шу куни саноат корхоналарида 475 минг сўм фақат тежалган хом ашё, материаллар, электр энергияси, ёнилғи ҳисобига ишлади. Шунингдек, умуман, шаҳар бўйича 15 та цех, участка, смена ва бригадалар ҳам иқтисод қилинган ресурслар билан маҳсулот тайёрлади. 25 минг сўмлик иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилди.

Бекобод шаҳрининг етакчи корхоналаридан бири металлургия заводининг 8,5 минг кишилик коллективи ҳам умумхалқ ҳашарида яқдиллик билан иштирок этди. Улардан 2250 ишчи бевосита ишлаб чиқаришда банд бўрида 70 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. 16 минг тоннадан ортиқ халқ хўжалиги юкларни ташиб берилди.

Бундан ташқари, район меҳнаткашлари катта ҳажмда ободонлаштириш ишларини бажаришди. Кўча ва хиёбонларга 3 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Шунингдек, оҳангаронликлар ирригация тармоқларини тозалаш, металлолом йиғиш, кўпгина бинолар, дарахтлар ва панжараларни оқлаш-бўяш ишларини ҳам амалга оширдилар.

Р. ҒАНИЕВ.

ҚИРҚ УЧ МИНГ КИШИ ҚАТНАШДИ

ПАРТИЯМИЗНИНГ XXVII съездига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги Бекобод шаҳрида ҳам уюшқоқлик билан ўтди. Меҳнат байрамида 43 минг ишчи-хизматчи қўлни-қўлга бериб, фидокорона ишлади. Умумхалқ ҳашарининг бориши маҳаллий радио орқали мунтазам хабар қилиб турилди. Шунингдек, у деворий газеталар, фотостендлар, жанговар варақаларда ўз аксини топди.

Кечга бориб, шаҳар шанбаликни ўтказиш штабига рапортлар кела бошлади. Дастлабки ҳисобларга кўра шу куни саноатчилар ўнларча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар, бинокорлар 39 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар, транспортчилар эса 47 минг тонна турли-туман халқ хўжалиги юкларини керакли манзилларга етказиб бердилар.

Шаҳар саноат корхоналари, қурилиш майдонлари, транспорт ташкилотларида 7 минг нафар ишчи-хизматчи фақат тежалган хом ашё, материаллар, электр энергияси, ёнилғи ҳисобига ишлади. Шунингдек, умуман, шаҳар бўйича 15 та цех, участка, смена ва бригадалар ҳам иқтисод қилинган ресурслар билан маҳсулот тайёрлади. 25 минг сўмлик иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилди.

Илғор металлургларнинг ёнидаги бери анчагина ресурслар тежашга муваффақ бўлган эдилар. 350 нафардан ортиқ ишчи фақат ана шу иқтисод қилинган материаллар ҳисобига ишлади.

А. ҒУЛОМОВ.

КЎТАРИНКИ РУҲДА

ЎЗБЕКИСТОН химия машинасозлиги заводи коллективи илғор корхоналар коллективларининг шу йилнинг 15 февралида КПСС XXVII съезди шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусларини Чирчиқда биринчилар қаторида қўллаб-қувватладилар. Шу муносабат билан корхонанинг барча цехларида тантанали митинглар бўлиб ўтди.

Ҳамма цехлар коллективлари юксак меҳнат марраларини эгаллашди. Улар маҳсулотнинг бир қисмини тежалган материаллар ва хом ашё ҳисобига ишлаб чиқариш учун иқтисодий режимга қатъий амал қилдилар.

Қуюв цехи коллективи зиммасига оширилган мажбурият олди. Ишчилар шанбаликда 30 тонна чўян ва пўлат қуйилмаси ишлаб чиқариш ва унинг юксак сифатли бўлишини таъминладилар. Халқ истеъмоли товарлари цехи ходимлари ҳам 5 минг сўмлик маҳсулот тайёрладилар. Айниқса, химия асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчи цехлар коллективлари бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилдилар ва 130 минг сўмлик асбоб-ускуналар ишлаб чиқардилар. Бошқа цехлар коллективлари ҳам унумли ва сифатли ишладилар.

Корхонада шанбалик куни 205 минг сўмлик ҳажмидаги химия машина-механизмлари ишлаб чиқарилди.

Шанбаликда юзлаб машинасозлар маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулландилар. Улар билан биргаликда меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветеранларидан 120 нафар киши ҳам ҳашарда қатнашди. Корхона отаҳлиғидаги мактабларда таълим олаётган 150 нафарга яқин юқори синф ўқувчилари цехларда катталарга кўмаклашдилар. Улар завод территориясини ободонлаштириш ишларида қатнашишди. Корхона ёнидаги «СредазВНИИгидромаш» илмий-тадқиқот институтининг 80 нафар ходими ҳам цехларда зарбдор меҳнат қилди.

М. МАҲМУДОВ.

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

Шанбалик куни «Госкомсельхозтехника» Оржоникидзе район бирлашмасида яратувчилик меҳнати оддий кунлардагидан анча барвақт бошланди. Ўнлаб ишчи-хизматчилар эрта тонгдан қаддон устахоналари томон йўл олдилар. Қисқа муддатли тантанали митингдан сўнг ҳамма иш жойини эгаллади. Кўтаринки рух билан меҳнат қилаётган ишчиларнинг ҳар бири шу куни энг юксак унумдорликка эришиш учун астойдил ҳаракат қилди.

— Шанбаликни уюшган ҳолда ўтказиш учун олдиндан пухта ҳозирлик кўрдик, — дейди бирлашма партия ташкилотининг секретари Миркомил Мўминов. — Шу куни ҳар бир цех ва участкада бажарилиши лозим бўлган ишлар олдиндан аниқ белгилаб олинди.

Режа билан қилинган иш ҳамиша самара бериши ҳеч кимга сир эмас. Буни бирлашмада амалга оширилган бир кунлик иш натижалари кўрсатиб турипти. Меҳнат байрамида жами 220 киши қатнашди. Уларнинг ғайрати туфайли 20 та тракторлар, электр двигателлари, 16 та электр шчитлар ремонт қилинди. Бирлашма бўйича жами 6 минг сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди ва ремонт ишлари бажарилди.

Корхонада ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилди. 16 тонна металлолом йиғилди. Шу куни тушган 650 сўмлик иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилди.

Қ. КАРИМОВ.

ОДДИЙ КУНЛАРДАГИДАН АНЧА КЎП

АВВАЛДАН белгиланган аниқ план асосида ишлаш, штаб аъзоларининг масъулияти, уларнинг тадбиркорлиги, ишчиларнинг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида КПСС XXVII съезди шарафига ўтказилган шанбаликнинг унумли бўлишига олиб келди. Шу куни корхонада 25 та сеялка, 10 та кўрак чувиш, 25 дона тупроққа гербицид соладиган мослама ишлаб чиқарилди. Шунингдек, 10 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ва шунча сўмлик халқ истеъмоли буюмлари, жами 134 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу эса оддий кунлардагидан анча кўпдир. Шанбалик куни тушган иш ҳақининг 5 минг сўми беш йиллик фондига ўтказилди.

Ҳ. САЙДАЛИЕВ.

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

14 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев раислигида фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланиб КПСС Марказий Комитетида ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ўтказилган кенгашларнинг қарорлари асосида илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини такомиллаштириш проблемалари муҳокама қилинди.

Пахта теримини тўла механизациялашни таъминлайдиган юқори сифатли пахта териш машиналари яратишни жадаллаштиришга оид тадбирлар, республика халқ хўжалигида чиқиндисиз технологияларни жорий этиш ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди.

Партия, совет, хўжалик органлари илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси формаларини такомиллаштириш, халқ хўжалигида фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш юзасидан муайян ишларни амалга ошираётганликлари уқтириб ўтилди. Бир қанча энг муҳим вазифаларни ҳал этиш учун республикада 19 та комплекс илмий-техника программаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюролари ва экспериментал корхоналардан иборат ихтисослаштирилган комплекслар ташкил эта бошлади.

Айни вақтда республика экономикасининг кўпгина тармоқларида замонавий фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш кўлами ва самарадорлиги КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми ўртага қўйган талаблар даражасига мос келмаяпти. Кенгаш мажлисида бундай аҳвол фан-техника тараққиётини бошқаришнинг мавжуд механизми такомиллаштирилмаганлиги билан кўп даражада боғлиқ эканлиги кўрсатиб ўтилди. Жумладан, Ўзбекистон ССР Госплани ва Фанлар академияси республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришни анча жадаллаштириш имконини берадиган муҳим вазифаларни самарали танлаб олишни таъминламадилар. Хўжалик шартномалари асосида бажарилаётган ишлар истиқболга, ишлаб чиқариш даражасини тубдан оширишга эмас, балки асосан «танг жойлар»ни тугатишга қаратилгандир. Натижада мавжуд илмий-техника потенциалидан суст фойдаланилмоқда.

Пахта териш техникасининг янги туркумини яратиш соҳасидаги ишлар ғоят чўзиб юборилаётганлиги мисол тариқасида келтирилди. Кенгаш мазкур проблемага илмий, конструкторлик ва ишлаб чиқариш коллективларининг куч-ғайратини жалб этиш ва шу тариқа қисқа муддатларда мамлакат пахтакорларига пухта, кучли, самарали машиналар етказиб бериш зарурлигини таъкидлади.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон экономикасининг барча тармоқларида фан-техника тараққиёти суръатларини ғоят оширишга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

Кенгашнинг 1986 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш плани тасдиқланди.

Кенгаш аъзолари одатдан ташқари кўргазма «экспонатлари» билан танишдилар. Кўргазмада ношудлик билан хўжалик юритиш «самараси», чиқиндисиз технологияларни жорий этиш, иккиламчи ресурслардан фойдаланиш ишида бир қанча идоралар йўл қўйган камчиликлар натижалари кўрсатиб берилган.

Пахта териш техникасининг янги намуналари кўздан кечирилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ 78-ТЕЛОВ САЙЛОВ ОКРУГИДАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ТЎХТАТИШ ҲАҚИДА

Ўртоқ Т. А. Алимовнинг депутатлик ваколатларини ўз зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисидаги шахсий аризаси муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

«СССРда халқ депутатларининг статуси тўғрисида»ги СССР қонунининг 10-моддаси асосида Тошкент область 78-Телов сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Темур Аъзамович Алимовнинг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган деб ҳисобласин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1986 йил, 17 февраль.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРНИ БЎШАГАН ДЕПУТАТЛАР ЎРНИГА 251-СВЕРДЛОВ ҲАМДА 335-АНГОР САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети **қарор қилади:**

Ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига 251-Свердлов (Коммунистик райони) ҳамда 335-Ангор (Ўрта Чирчиқ райони) сайлов округлари бўйича халқ депутатлари Тошкент область Советига сайловлар 1986 йил 16 март, якшанба куни ўтказилсин.

Ижроия комитет раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи О. АЙДАКОВ.

Ижроия комитет секретари А. МАНСУРОВ.

Тошкент шаҳри, 1986 йил, 16 февраль.



◆ СУРАТЛАРДА (чапдан):

1. «ТАШСЕЛЬМАШ» заводи коллективи шанбаликда оддий кунлардагига қараганда анча унумли ишлади. Шу куни конвейердан 34 та пахта териш машинаси тушди. Бу пландагидан 2 та кўпдир. Суратда: корхонанинг йиғув цехида.

2. ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози меҳнаткашлари ҳам съезд шарафига ўтказилган шанбаликда актив иштирок этдилар. Шу куни айниқса, колхознинг парник хўжалиги миришкорлари баракали меҳнат қилдилар. Бу ерда коллективнинг барча аъзолари деҳқончилик ишлари билан шуғулландилар. Шаҳарликларга 800 килограмм сабзавот ва ошкўклар етказиб берилди. Суратларда: (ўнгда) тажрибали сабзавоткорлар Ҳамида Солиҳова ва Маъруфа Эсоновалар маҳсулотни яшчикларга жойлашмоқда; помидор теримн пайти.

А. Зуфаров фотолари.

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

Ғалаба район партия комитетининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Пленум Ю. Толиповни ишдаги ва шахсий хулқ-атворидаги камчиликлари учун район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан бўшатди.

Халқ депутатлари Ғалаба район Совети ижроия комитети раиси бўлиб ишлаб келган Қ. Х. Холмирзаев район партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланди.

Пленум ишида область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко қатнашди.

Оққўрғон район партия комитетининг пленуми ташкилий масалани кўрди.

З. Т. Маҳсумов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод этилди.

Пленум халқ депутатлари Пискент район Совети ижроия комитети раиси бўлиб ишлаб келган А. Носировни райком составига киритди, район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси этиб сайлади.

Пленум ишида область партия комитетининг секретари С. Д. Сайдалиев қатнашди.

«САОДАТ» ЖУРНАЛИ — 60 ЁШДА

«Саодат» журналининг биринчи сони чиққанига 60 йил тўлди. Бу журнал хотин-қизларни коммунистик руҳда тарбиялашда, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал қилишга сафарбар этишда, совет турмуш тарзини, янги маросимлар ва урф-одатларни пропаганда қилишда республика партия ташкилотининг жанговар ёрдамчисидир. Шу йиллар давомида журнал кенг журналхонлар ҳурматига сазовор бўлди, унинг тиражи 900 минг нусхадан ортиб кетди.

17 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали мажлисда шу ҳақда гапирилди. «Саодат» журналининг бош редактори Ҳ. Худойбердиева ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар журнал кўплаб хотин-қизлар учун самимий дўст, устоз ва мураббий бўлиб қолганлигини таъкидладилар.

КПСС XXVII съезди арафасида журнал саҳифаларида партиянинг программа ҳужжатларини муҳокама қилиш қизғин тус олди, бу муҳокамада республика хотин-қизлари актив иштирок этмоқдалар. Улар ленинчи партия тинчликсевар ташқи сиёсатини, мамлакат социал иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш йўлини қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини айтмоқдалар.

Журнал редакцияси ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси ходимларидан бир группасига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

ПАРВОЗИ БАЛАНД

Ғайрат Саримсоқов ҳозир «ИЛ-86» ҳаво лайнерининг командири. Учувчиларнинг Ленинграддаги академиясини янги тамомлаб келган кезларида бу қудратли машина ҳаво йўлларига эндигина чиқарилган эди. Уларнинг бирига Ғайратни командир этиб тайинлашди. Иккинчи учувчи Анатолий Потапов, штурман Юрий Еремеев, борт-инженер Владимир Битюков ҳам у билан бирга ҳавога кўтарилишди.

Шу бўйи экипаж аъзолари туғишганлардек иноқ бўлиб қолишди. Ўтган йили улар биргаликда Москва ва Сочига ҳам, Ленинград ва Симферополга ҳам учишди. Учмаган йирик шаҳарлари қолмади ҳисоб. Ўтган беш йилликда республика граждан авиацияси самолётларида миллионлаб йўловчи ташилди. Уларнинг бир қисмига Ғ. Саримсоқов командирлик қилаётган экипаж аъзолари хизмат қилди. Ўтган йиллар мобайнида, энг муҳими, учиш хавфсизлиги тўла таъминланди. Бу экипаж аъзолари билими ва маҳоратининг юксаклигидан далолат берарди.

— Мажбуриятимизнинг энг биринчи банди учиш хавфсизлигини тўла таъминлаш бўлса, навбатдаги банди тежамкорлик режимига қатъий амал қилишдир, — дейди командир. — Ўтган йили моторларни тўғри созлаш, машинани равон бошқариш ҳисобига 340 тонна ёнилғини тежаб қолдик. Шунча ёнилғи билан Москвага бемалол тўрт марта бориб келса бўлади.

Экипаж аъзолари мажбуриятнинг бошқа бандларини ҳам аъло даражада бажаришяпти. Шу боисдан уларга ўтган йили етти марта биринчи ўрин тақдим этилди. Ғайрат Саримсоқов СССРда хизмат кўрсатган учувчи унвонига сазовор бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланди. У рейслардан сўнг кўпинча сайловчилар даврасида бўлади. Сайловчиларнинг талаб ва истакларини ўрганади, наказларини бажаради. Одамларга хизмат қилаётганидан кўнгли таскин топади.

Ғайрат ўз касбини пухта эгаллаган. У болалигидаёқ авиамоделчилар тўгарагига қатнарди. Кейинроқ досаафчилар сафига қўшилди. Парашютда сакрашни биринчи бўлиб шу ерда ўрганди. Ўқув самолётида ҳар гал қўкка парвоз этганида ўзида йўқ қувонарди. Яна ҳам баланд учгиси келарди. Ниҳоят у Саратовдаги учувчилар билим юртига кирди.

1961 йилда Ғайрат биринчи марта ўзи мустақил самолёт штурвалига ўтирди. Орадан чорак аср вақт ўтган бўлишига қарамай ўша кунни у ҳеч унутмайди. Шу бўйи Ғайрат само қўйнида. Дастлаб қишлоқ хўжалиги авиациясида хизмат қилди. Кейин «АН-24» самолётини бошқарди. Ўз билими ва маҳоратини ошира борди, махсус курсларда ўқиди. Пассажирлар ташишга тўла қўникма ҳосил қилгач, уни «ИЛ-62» самолётига таклиф этишди. Энди парвози яна ҳам баландлашган, манзиллари олислашган эди.

Бундан Ғайратнинг ўзи ҳам қувонарди. Ёшлигидаги орзулари бирин-кетин рўёбга чиқаяпти, юмшоқ булутлар устида парвоз этаяпти. Чексиз оламни қучоқ очиб қучгиси, яна ҳам юксакликларга кўтарилгиси келарди. Айни пайтда у ўз зиммасидаги масъулиятни ҳам чуқур ҳис этарди. Шу боисдан ҳар бир ҳаракати ҳисобли, вазмин эди.

Ҳозир Ғайрат Саримсоқовнинг қўкда парвоз этган соатларини ҳисобласангиз бир ярим йилни ташкил этади. Олдинда яна янги парвозлар турипти. Ҳозир республика граждан авиацияси бошқармасининг ҳаво йўллари Иттифоқ бўйлаб 150 минг километрга чўзилиб кетган. Бу йўлларнинг энг олисларига КПСС XXVII съезди делегати Ғ. Саримсоқов бошқараётган кумушранг лайнер ҳам учяпти.

Парвозингиз ҳамиша баланд ва бехатар бўлсин, йигитлар!

Ж. НОСИРОВ.

ТУЗАТИШ

Газетанинг 15 февраль сони 1-бетида «КПСС XXVII съезди делегатлари» рубрикаси остида иккита суратга берилган текстда Янгийўл ёғ-мой комбинати партия ташкилотининг секретари, Ўзбекистон КП XXI съезднинг делегати Ҳ. Абдусатторова «КПСС XXVII съезди делегати» деб ёзилиб, хатоликка йўл қўйилган.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

САҲИФА № 2 (286)

Группалар фаолиятидан

СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРАМИЗ

МАҲСУЛОТ сифатини яхшилаш зиммамиздаги энг муҳим вазифадир. Ўтган йили тайёрланган жами маҳсулотнинг 80,5 проценти юқори сифат билан қабул қилиб олинди. Бу йил сифат учун кураш яна ҳам кучайди. Январь ойида тайёрланган маҳсулотларнинг 81 процентга яқинини юқори сифат билан истеъмолчиларга жўнатдик.

Бу соҳадаги кўрсаткичларни янада яхшилаш мақсадида февраль ойи бошларида махсус рейд ўтказдик. Бунга олдин айрим мутахассислар ҳайрон бўлишди. Завод кўрсаткичи бошқа корхоналардагига қараганда анча дуруст бўлса яна сифат бўйича рейд ўтказиш зарурмикан деб ўйлашди.

Ҳўш, нега энди биз эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолишимиз керак? Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида ҳар соҳада ички резервларни қидириб топиш ва улардан оқилона фойдаланиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Ўтказилган рейд эса буни яна бир карра исботлади. Текширишдан маълум бўлдики, металл ажратиш, вальцовка цехларида техник инструкцияга тўла риоя қилинмаётган экан. Смена алмашиш вақтида эса жараёнларга эътиборсизлик натижасида маҳсулот сифатининг бузилаётгани маълум бўлди. Мутахассислар ана шу камчиликлар бартараф этилса, рухнинг юқори сифатлилик даражасини яна 1,5—2 процентга, кадмийнинг сифатини эса 3,9 процентга ошириш мумкинлигини исботлаб бердилар.

Текширувдан сўнг технологик жараёнларнинг бузилишига лоқайд қараган технологлар В. Сатонин, В. Каменскийларнинг квартал мукофотлари 15—20 процентга қисқартирилди. Мастерларга нисбатан ҳам тегишли чоралар кўрилди.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масаласи ҳам группамиз аъзоларининг доимий диққат-эътиборида бўлмоқда. Ўтган йил бошларида ўтказилган ҳар бир текширувда завод бўйича 20—30 кишининг ишга кечикиб келаётганлиги маълум бўларди. Биз ишга кечикканларнинг номини рўйхатга ёзиб корхонага кираверишдаги «Халқ контроли экрани»га осиб қўядиган бўлдик. «Чақмоқ»лар чиқардик. Меҳнат интизомини кўпроқ бузган Глушков, Шаронов, Рахматулин, Салохиев, Замдараев каби ишчиларни чақириб суҳбатлашдик. Натижада кейинги ярим йилликда ишга кечикиб келувчиларнинг сони кескин камайди. Январь ойида ўтказилган текширувда прогулчилар умуман йўқлиги маълум бўлди.

Яқинда халқ контроли бош группасига металлолом тўплаш ва жўнатишдаги камчиликлар ҳақида сигнал тушди. Шу сигнал асосида дарров текширув ўтказдик. Ҳақиқатан ҳам салкам 100 тоннага яқин металлолом сараланмай жўнатилмоқчи экан. Бу ҳолда корхона 2 минг сўмдан кўп зарар кўрарди. Бундай камчиликлар илгари ҳам бўлган экан, энди аниқланди.

Биз аввало камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўргандик. Фактлар бош механик бўлими томонидан назорат сусайиб кетганлигини, металлолом йиғиш ва жўнатишда штурмчилик қилинаётганлигини кўрсатди. Шундан сўнг булар ҳақида ёзма равишда маъмуриятга билдирдик.

Бош технолог бўлимида қизғин муҳокама бўлди. Айбдорларга нисбатан чоралар кўрилди. Рейд натижалари «Халқ контроли экрани»да ёритилди.

Биз ишлаб чиқариш ва план интизомини мустаҳкамлашга, маҳсулот сифатини яхшилаш ва иш самарадорлигини оширишга қаратилган рейд ҳамда текширувлар ўтказиб турибмиз. Текширувлар юзасидан кўрилаётган тадбирлар ишни яхшилашга катта ёрдам бераяпти.

В. ДЕРЕВЯНКО,
В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати рух заводи халқ контроли группасининг раиси.

- Интизомсизларга шафқат йўқ
- Такрорий рейд
- Бир кишига тўртта маошми?
- Фойдадан зарари кўп

ТЕХНИКА ЭКИШГА ТАХТМИ?

● ҲУРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Северний маяк» колхози коллективи бу йил пахтадан янада мўл ҳосил олишга аҳд қилган. Шу мақсадда қишки тадбирлар тўла ва сифатли ўтказилмоқда. 36 та чигит ва каноп экадиган сеялка, 17 та ҳайдов тракторн, 377 та механизм баҳорги экиш кампаниясига шай қилиб қўйилди.

Колхоз халқ контроли группаси аъзолари старт чизиғига келтириб қўйилган ҳар бир агрегатни такрор ва такрор кўздан кечириб чиқмоқдалар. Сифатсиз ремонт қилинган агрегатларни яна устахонага қайтармоқдалар. Чунки ишнинг бошидан пухта бўлгани яхши. Шунда экиш пайтида бирорта ҳам техника воситаси панд бермайди.

Суратда: колхоз халқ контроли бош группаси раиси С. Тен (ўнгдан), район халқ контроли комитети раиси М. Икромов, тракторчи И. Сарабоев ва халқ контроли группаси аъзоси С. Ўрозов ремонт қилинган навбатдаги сеялкалардан биринн текшириб кўрмоқдалар.

И. Зарафшанский фотоси.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

Ишни қайта қурайлик

ОБЛАСТЬ халқ контроли комитетининг навбатдаги мажлисида В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича назоратчилар бажараётган ишлар муҳокама қилинди.

Завод халқ контроли комитети ўтган йили маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, янги техникани жорий этиш бўйича уч марта текширув ўтказди.

Лекин шунга қарамай ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ўстириш ва тайёрланаётган маҳсулот сифатини ошириш устидан назорат ишлари ҳали ҳам кутилган натижани бермаяпти. Ўтган йили янги техника ва илғор технологияни жорий этиш юзасидан 25 та тадбир белгиланган эди. Лекин уларнинг атиги 12 таси амалга ошди, холос. Заводда давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётган маҳсулотлар салмоғи ҳамон камлигича қолмоқда. Кўпгина жараёнлар қўл кучи билан бажарилмоқда. Лекин завод халқ контроли комитети ишнинг бу томонига етарлича эътибор бермаяпти.

Қабул қилинган қарорлар ижроси устидан ҳам завод халқ контроли комитети бўш назорат ўрнатган. Чуқур текширувлар ўтказилмаяпти. Иш сифати ва самарадорликни оширишга кўмаклашувчи тадбирлар белгиланмаяпти. Халқ контроли комитети қабул қилаётган қарорлар умумий тарзда бўлиб, конкрет кўрсатма ва тавсиялар берилмайди.

Мажлисда завод халқ контроли комитети раиси Ҳ. Қирғизбоевга назорат ишларини янги талаблар асосида қайта қуриш лозимлиги, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга эътиборни кучайтириш зарурлиги уқтирилди.

Қимматга тушди

Пиво заводи директоридан келган илтимосномага «Средазтепломонтаж» трестига қарашли «Стройтермоизоляция» бошқармаси бош инженери А. А. Напозаков «Зудлик билан бажарилсин» деб имзо чекди-да сўнг ижрочиларга юборди. Хатда ҳеч қандай лойиҳа-смета ҳужжатисиз ёки шартномасиз пивохонанинг 220 квадрат метрлик иссиқлик трассасини капитал ремонт қилиб бериш сўралган эди. А. А. Напозаков негадир дарров бу илтимосга рози бўлиб, 1200 сўмлик янги материалларни ремонт учун ажратди.

Тўғри, завод йил охиригача сарф бўлган бу материалларни «Стройтермоизоляция» бошқармасига қайтаришни ваъда қилган эди. Лекин янги йилнинг дастлабки ойлари ўтиб кетган бўлсада қарз қайтарилмади. Бошқарма чиқимга тушди, завод директорининг иши эса битиб қолди.

Текширув пайтида А. А. Напозаковнинг бошқа қинғир ишлари ҳам очилди. Олмалиқ ва Бекобод шаҳарларида қурилаётган объектларда бажарилган ишлар ҳажми 5200 сўмликка ошириб кўрсатилган экан. Шунча иш бажарилди, деб ишчиларга яна 650 сўм иш ҳақи ҳам тўланибди.

Ишдаги камчиликлар область халқ контроли комитети мажлисида қаттиқ муҳокама қилинди. Пиво заводи иссиқлик трассасини қонунсиз равишда капитал ремонтдан чиқаришга рухсат берганлиги, қўшиб ёзишларга йўл қўйганлиги учун А. А. Напозаковга виговор эълон қилиниб, бир ойлик маоши ҳажмида пул начёти ёзилди.

Хатолар такрорланмоқда

Область савдо бошқармасига қарашли ташкилотлар аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан йил бўйи таъминлаш юзасидан белгиланган топшириқларни ниҳоятда қониқарсиз бажармоқдалар. Ўтган йили картошка, помидор, мева, полиз маҳсулотлари жамғариш планлари ўлда-жўлда қолиб кетди. Шу боисдан ҳозир кўпгина сабзавот магазинларининг пештахталари бўм-бўш.

Бошқарма ташкилотлари олдинги йилларда ҳам бу масалага етарлича эътибор бермаганди. Шу боисдан ҳам жамғарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўпгина қисми омборхоналарда чириб кетарди. Бундан 1984 йилда 100 минг сўмлик зарар кўрилди. Лекин тегишли хулоса чиқариб олинмаяпти. Ўтган йили жамғарилган картошканинг 1492 тоннаси яна чириб кетди. Маҳсулотни сақлаш қоидаларига хилоф иш тутилгани учун ҳам давлатга катта зарар келтирилди.

Кўпгина камчиликлар Олмалиқ кон металлургия комбинати ишчилар таъминоти бошқармасида, Оҳангарон цемент комбинати ишчилар таъминоти бўлимида, Янгийўл шаҳар савдо ташкилотларида рўй беряпти. Картошкалар сараланмай омборларга тўкилганлиги учун ҳам Олмалиқ кон металлургия комбинати ишчилар таъминоти бошқармаси салкам 6 минг сўмлик зарар кўрди. Оҳангарон цемент комбинати ишчилар таъминоти бўлими эса келган картошкани ўша кезларда алоқаси йўқ ташкилотларга тарқатиб юборди. Мана энди савдо ташкилотлари картошкага зор бўлиб турибди. Янгийўл шаҳрида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли сақлаш устидан пухта назорат ўрнатилмаган. Натижада 12 минг сўмлик маҳсулот истеъмолга яроқсиз бўлиб қолди. Ўз вазифасига совуққонлик билан қараган кишилар эса жазосиз қолаверди.

Бундай камчиликлар энг аввало область савдо бошқармаси раҳбарларининг беғамлиги оқибатида келиб чиқмоқда. Улар бевосита жойлардаги аҳвол билан шуғулланмайдилар, йўл қўйилаётган камчиликларнинг олдини олиш чораларини кўрмайдилар. Шунинг учун ҳам бошқарма бошлиғи А. Т. Йўлдошевга қаттиқ виговор эълон қилинди. Унинг ўринбосари А. Р. Мамадалиевга қаттиқ виговор эълон қилиниб, бир ойлик маоши ҳажмида пул начёти ёзилди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчи таъминоти бошқармаси бошлиғи Д. Д. Иванян ва унинг ўринбосари Ю. А. Тереховнинг интизомсизлиги ҳам қаттиқ танқид қилинди. Д. Д. Иванянинг қилмишларига Олмалиқ шаҳар партия комитети бюросида тегишли баҳо бериладиган бўлди. Ю. А. Тереховга эса виговор эълон қилиниб, бир ойлик маоши ҳажмида пул начёти ёзилди.

Прожектор ёғдусида

ВАҚТИНГ КЕТДИ...

РАЙОНИМИЗ саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида меҳнат қилаётган йигит-қизларнинг 8600 нафардан ортиғи иқтисод ва тежамкорлик учун бошланган ҳаракатда актив иштирок этаяпти. Кўрилаётган тадбирлар туфайли қисқа вақт ичида саноат корхоналарида 931 тонна прокат, 2872 тоннага яқин цемент, 190 тонна бензин иқтисод қилинди.

Тошкент тўқимачилик комбинати ёш ишчилари хом ашёдан оқилона фойдаланиш, технология режимига тўла амал қилиш йўли билан 94,4 тонна пахта, 1697 минг метр хом сурпни тежаб қолдилар. «Промстройкомплект» бирлашмасининг ёш ишчилари асосий эътиборни тахта ва ёғочни тежаб ишлатишга қаратишган. Кейинги пайтларда дурадгорлик материаллари тайёрлашда ёғочнинг чиқитга чиқиш ҳоллари кескин камайди. 2072 квадрат метр ёғоч ва тахта, кўплаб электр энергияси иқтисод қилинди. Ўтган йилларда ёшларимиз Бутуниттифоқ иқтисодий тежамкорлик ҳисобига 218 минг сўм ўтказишди.

Район «Комсомол прожектори» штаби аъзолари ўтказаётган рейдлар давомида ижобий ишлар билан бир қаторда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам маълум бўлаяпти. Тошкент тўқимачилик комбинати бўйлаб ўтказилган текширув пайтида хом ашёнинг йўқлиги натижасида айрим станоклар 40 минутгача бекиб туриб қолаяпти. Рейд куни босма цехида иш 32 минут кечикиб бошланди. Пардозлаш фабрикасида эса газламалар ҳамма жойда айқаш-уйқаш бўлиб ётган эди. Бу камчиликлар комбинат раҳбарларига кўрсатилди. Рейд якунлари комбинат кўп нусхали газетасида эълон қилинди.

Яқинда Тошкент абразив буюмлари комбинати бўйлаб ҳам рейд қилдик. Бунда ўрнатилмаган ускуналар қай аҳволда сақланаётганлиги текширилди. Биз очиқ майдонларда уюлиб ётган қимматли ускуналарни кўриб ачиндик. Уларнинг ранги ўчиб кетибди, деталларни занг босибди. Текширувдан сўнг корхона раҳбарлари очиқ жойдаги ускуналарни омборларга олиш юзасидан масъул кишиларга топшириқ беришди.

Рейдларнинг кўпчилиги асосан иш вақтидан самарали фойдаланишга бағишланяпти. Ўтган йили 120 та ташкилотда ишчиларнинг ишга келиб-кетиши, студентларнинг давомати текширилди. Бу рейдларда Тошкент тўқимачилик комбинати, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида кўпгина ишчи ва студентларнинг вақти беҳуда ўтаётганлиги аниқланган эди. Шу текширувлар юзасидан кўрилган тадбирлардан сўнг интизомсизлар кескин камайди.

Ишчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳам эътиборимиздадир. Шу мақсадда бир қатор ётоқхоналарда текширув ўтказдик. Бу текширувларда Тошкент тўқимачилик комбинатининг 11-, Тошкент давлат педагогика институтининг 1-ётоқхоналарида кўпгина камчиликлар борлиги сезилди. Жумладан, ишчи ва студентларнинг мазмунли дам олишлари, бўш вақтдан унумли фойдаланишлари учун зарур шароитлар яратиб берилмаган эди. Ҳар иккала ташкилот раҳбарлари аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан зарур чоралар кўрдилар.

«Комсомол прожектори» штаби олдиндан тузиб олинган план асосида ишлаяпти. Бу йилги планимизда ишлаб чиқариш билан бирга клуб ва спорт муассасалари ишини текшириш, спиртли ичимликлар савдоси устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, транспорт ҳаракатини тартибга солиш кўзда тутилган. Ҳозир бу вазифаларнинг бир қисми амалга ошаяпти. Яқинда, 12-, 24-магазинларда спиртли ичимликлар савдоси қандай ташкил этилганлиги билан қизиқдик. Бу соҳада камчиликларга йўл қўйган савдо ходимларига жарима солинди, маъмурий жазо берилди. Бундан буён ҳам прожектор ёғдуси остида мавжуд иллатларнинг барчасини тўла фош этаверамиз.

М. МИРХУЖАЕВ,
Фрунзе район комсомол комитетининг биринчи секретари.

Ишчи сигнали

Найранги ўтмади

Район халқ контроли комитетига келган хатларнинг бири инспекторлар диққатини дарров ўзига тортди. Уни «Хўжакент» совхози 1-бўлим 4-бригадасида меҳнат қилаётган Т. Умурзоқов йўллаган эди. Хатда бўлим бошлиғи Р. Кенжабоев ва бригада етакчиси А. Иномбобоевларнинг найранглари очиб ташланган эди.

Хатда келтирилган фактларни текшириш учун дарров комиссия тузилди. Комиссия аъзолари бевосита хўжаликка бориб бригаданинг ўтган йилги кўрсаткичларини синчиклаб кўздан кечириб чиқдилар. Рақамлар қиёсланганда икки манзара намоён бўлди.

Ҳисоботда ёзилишича бригаданинг 18 гектар майдонига картошка экилиб, ҳаражатлар учун 28 минг 637 сўм сарфланган эди. Лекин олинган самара қандай бўлди, деган саволга бригадир жавоб тополмай қолди. План бўйича мавжуд экинзорлардан 189 тонна картошка олиниши керак эди. Амалда эса бор-йўғи 46 тонна картошка топширилибди. Шу тариқа совхозга 20 минг сўмдан зиёд зарар келтирилди.

Яна бир ҳужжат район инспекторлари диққатини ўзига тортди. Бригадада ўтган йили 13 гектар ерга хашаки лавлаги экилди деб маълумот берилган эди. Лавлаги уруғи сепиш, ишлов бериш, парваришлаш, йиғиштириб олиш каби жараёнларга 2190 сўм сарфланди деб яна битта ҳужжат тўғрилланган. Хўш, ўша лавлагилар қани? Бу савол ҳам бригадирни довдиратиб қўйди.

— Бу ернинг одамларига қайронман,— деди у баланд келиб.— Кўзни шамғалат қилиб лавлагизорга молларини ёйиб юборишибди. Лавлаги ўзак бўлмай, уни моллар еб битирди.

Шу тариқа бригадир сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлди. Лекин унинг лофига ҳеч ким ишонмади. Амалда у совхоз сут-товар фермаси бригадири Ш. Тошматовни лақиллатиб, сохта накладной тузган эди. Гўё А. Иномбобоев бригадаси фермага 7 тонна лавлаги топширган эмиш. Текширув пайтида бу найранг ҳам очилиб қолди.

Бодринг топширишда ҳам мана шундай кўзбўямачиликлар содир бўлди. Бригадада пландаги 4 гектар ўрнига 6 гектар бодринг экилди. Лекин ҳосилдорликка келганда яна бригадирнинг дами ичига тушиб кетди. Мўлжалдаги 50 тонна ўрнига аранг 35 тонна бодринг йиғиштириб олинди. Давлатни алдаганлар кейин жазоларини олди.

Бундай ҳоллар бўлимнинг бошқа бригадаларида ҳам содир бўлди. Шу боисдан ҳам амалдаги кўрсаткичлар тобора пасаймоқда. Ўтган йили бўлим 13 хил кўрсаткичдан фақат 2 тасини бажарди, холос. Совхоз бўйича ҳам зиммага олинган мажбуриятларнинг ярми бажарилмай қолди. Кўзбўямачиликлар, қўшиб ёзишлар авжига минганлиги учун ҳам шундай кўнгилсиз ҳоллар келиб чиқмоқда.

Бу йил ишда кескин ўзгариш ясаш керак. Совхоз халқ контроли группаси аъзолари Ўзбекистон Компартияси XXI съезди талаблари асосида ишни ташкил этиб, ҳамма соҳани пухта контроль остига олишлари лозим.

М. МИРКОМИЛОВ,
Бўстонлиқ райони.

Кичик фельетон

Завод эркатойи

Ўрта Чирчиқ районидаги Қорасув пахта тозалаш заводининг эркаси ким десангиз одамлар ўйлаб-нетмай Мирсаяпов-да, дерди. Ой чиқса ҳам у кишига, кун чиқса ҳам у кишига. Корхонанинг ўша пайтдаги директори У. Жўраев билан битта майизни бўлашиб ерди. Шунинг учун ҳам Ф. Мирсаяповнинг нуқул ошиғи олчи эди.

1984 йил 30 январдан завод директори чиқарган буйруқ билан электромонтёр Ф. Мирсаяпов айни пайтда корхона бош энергетиги вазифасини ҳам бажара бошлади. Табелларда ҳатто у суткасига 21 соат ишлади, деб ёзилди. Турли имтиёз пуллари бот-бот берилаверди. Ўз навбатида Ф. Мирсаяпов ҳам ўзига ёққан кишиларга сменадан ташқари пайтда ишлади, деб катта-катта пуллар ёздириб қўйишга ўтди. Чунки, унинг айтгани-айтган, дегани-деган эди-да. Аслида сменадан ташқари пайтда бажарилди, деган ишларнинг ҳаммаси иш вақтида қилинарди.

Завод эркатойи давру-даврон келди, ур жавлон, деб икки йилда асосий маошидан ташқари бош энергетик «ишини олиб боргани учун» 2222,5 сўм, ишдан ташқари пайтда «ишлаган»и учун 3557,8 сўм, яна 1128,2 сўм устама ҳақ — қўйингчи, қинғир йўллар билан ҳаммаси бўлиб 8573 сўмни ўмарди. Лекин у бунга ҳам қониқмади. Директорнинг пинжига кириб хотинини насос станцияси навбатчиси штатига ўтказиб қўйди. Хотини эса станцияга оёқ ҳам босмасди.

Энди унинг фикри-зикри давлат пулини туя қилиш бўлиб қолди. Устомонликни қаранг, 37-мактабнинг 10-синфида ўқиётган ўғли И. Мирсаяповни ҳам электромонтёрга шогирд қилиб ишга жойлаштирди. Пулни эса ўзи санаб олаверди.

Ф. Мирсаяповнинг нафси хаккалак отаверди. У завод касаба союз комитетининг собиқ раиси А. Каримовни қўлга олди. Унга протоколлар туздириб, ўғлини Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтига қабул қилдириш учун характеристика, тавсиянолар ёздирди. Раҳбарлар эса жим-жимадор қилиб имзо чекдилар. И. Мирсаяпов конкурсдан ташқари институтга қабул қилинди ва унга стипендияни шу корхона тўлайдиган бўлди. Завод эркатойи ҳозир Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг ассистенти бўлиб ишлаб келаётган В. Малковни эса асосий иш жойининг розилигисиз 5-разрядли электромонтёр қилиб ишга қабул қилди.

1985 йилнинг август ойида заводга Н. Жунисов директор бўлиб келди. Лекин Ф. Мирсаяпов унга ҳам йўл топди. Бетартиблик, қалбаки ҳужжат билан давлат пулини талон-тарож қилиш давом этаверди. Охири ишга халқ назоратчилари аралашгач Ф. Мирсаяповнинг бутун сирлари ошкор бўлди. Завод эркатойига ҳомийлик қилган корхонанинг собиқ директори У. Жўраевнинг бошқа ишлари ҳам очилиб, жиноий жавобгарликка тортилди. Бош инженер Ю. Одилов, бош бухгалтер М. Халменова вазифаларидан четлаштирилди. Қинғир ишга йўл қўйган бошқа кишилар ҳам ўз жазоларини олдилар.

Б. ПЎЛАТОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

ҚУШИБ ЁЗУВЧИ:— Мана, энди биров бизни танқид қилолмайди.

ТАРҒИЛОЙ:— Озуқа кутавериб этимиз устихонимизга ёпишди-ку.

М. УНҒАРОВ чизган расмлар.

Редакцияга хатлар

АВТОБУСЛАР ТЎХТАБ ЎТСИН

Мактабимиз Ақча қишлоғида жойлашган. Бу ердан Тошкент — Қўқон магистрали ўтган. Йўл бўйлаб ҳар кунн Ангрен — Тошкент, Ангрен — Тўйтепа маршрутлари бўйлаб автобуслар қатнаб турибди. Лекин бу автобусларнинг бирортаси ҳам Ақча қишлоғида тўхтаб ўтмайди. Узоқ-яқинда истиқомат қилаётган ўқитувчи ва ўқувчилар олис йўл босиб мактабга пиёда қатнашга мажбур бўлмоқдалар.

Бу ҳақда биз транспорт ташкилотларн раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилдик. Лекин илтимосларимиз бажарилмади, сўзимиз ерда қолди.

Агар Ангрен — Тошкент, Ангрен — Тўйтепа маршрутлари бўйлаб қатнаётган автобусларнинг Ақча қишлоғида тўхтаб ўтишига рухсат бўлмаса у тақдирда Оҳангарон— Нуробод маршрутини бизнинг қишлоққача узайтириш мумкин бўлмасмикан. Ҳозир бу маршрутдаги автобуслар 2,5 километр наридан қайтаяпти. Қайтиш пункти Ақча қишлоғи деб белгиланса кўпчиликнинг оғири енгил, манзили яқин бўларди.

Оҳангарон районидаги А. Жомий номли 17-ўрта мактаб ўқитувчилари.

ЯНА КИМГА АРЗ ҚИЛАЙЛИК?

Ҳурматли редакция! Киров районидаги 1- ва 2-К, Маркс, Железноводск маҳаллалари, Тошкент районидаги К. Маркс номли колхознинг шаҳарга туташган участкаси аҳолиси нлгаларни ҳаммомга тушиш учун узоққа боришмас эди. Ишчилар шаҳарчаси, Энгельс ва Аҳмад Дониш кўчаларидаги ҳаммомлар ишлаб турарди. Бир неча йилдирки, бу ҳаммомлар бузилиб ҳамма сарсон бўлиб қолди. Кексалар ҳам, мактаб ёшидаги болалар ҳам шаҳар марказидаги ва ундан нарироқдаги ҳаммомларга қатнашга мажбур бўлишяпти.

Биз ҳеч бўлмаса Аҳмад Дониш кўчасидаги ҳаммомни қайта ремонтдан чиқариб бершларини илтимос қилиб Киров район ижроия комитетига ҳам, шаҳар ижроия комитетига ҳам бир неча бор мурожаат этдик. Ҳамма жойда аризамизни қабул қилиб олишадию, лекин талабимизни бажаришга келганда ҳеч ким бош қўшмайди. Аҳоли эса қишин-ёзин ҳаммом излаб овора бўляпти. Мутасадди ташкилотлар гапимизга қулоқ солмагач редакцияга мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Зора шундан кейин бузилиб кетган ҳаммомларнинг бири тикланса.

Аҳоли номидан:
К. САЙДОВ,
Киров районидаги 2-К. Маркс маҳалла комитетининг раиси.

ЧОРВА ҚИШЛОВИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИДА ЗООВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ

АГАР МОЛ СОҒЛОМ БЎЛМАСА...

АГАР сигир соғлом бўлмаса, унинг зоти, емишидан қатъий назар бундай молдан мўлжалдаги маҳсулотни олиб бўлмайди. Бу биринчи галда биз мутахассислар зиммасига катта масъулият юклайди. Агар биз ишимизни билиб қилсак, малака, маҳоратимизни ошириб борсак, зарур бўлган пайтларда у ёки бу масала юзасидан тўғри йўл тутаётганлигимизга хўжалик раҳбарларини ишонтиролсак ана шундагина меҳнатимиз самарали бўлади. Афсуски, биз бундай қилмаймиз. Ўзибўларчилик кайфиятида ишлаймиз. Оқибатда молларнинг касалликка чалинганини пайқамай қоламиз. Шу тариқа касалликнинг кучайиб кетишига йўл қўямиз. Фақат бизнинг совхозда эмас, бошқа кўпгина хўжаликларда ҳам кейинги пайтларда подадаги молларнинг турли хил — бруцеллёз, туберкулёз, лейкоз касалликлари билан оғриб, гўштга сўйиб юборилаётганининг асосий сабабларидан бири шундадир. Натижада чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўнгилдагидек бўлмаяпти. Планлар бажарилмай қоляпти.

Биз ишимизни қайта ташкил этишга киришдик. Районимиз ва хўжалик раҳбарлари, мутахассислари билан маслаҳатлашиб юз берётган носоғлом аҳволнинг олдини олиш мақсадида қатор зооветеринария — профилактика тадбирларини ишлаб чиқдик.

Ана шу тадбирларга кўра сигирлар куйдирги, бруцеллёз, туберкулёз, бузоқлар эса паратиф оқсил касалликларига қарши эмланди.

Дарвоқе, чорвачилик — бузоқчиликдан бошланади дейишади. Туғилган кунидан бошлаб яхши парвариш қилинган, тўйдириб боқилган, соғлом, бақувват бўлиб ўсган бузоқлардангина келгуси фермамиздаги изолятор шунчаки хўжакўрсинга қурилган. Ҳозирги кун талабига жавоб бермайди. Замонавий техника воситалари билан жиҳозланмаган. Бу билан узоққа бориб бўлмайди.

Яхши даволанмаган сигирлар подага қайтгандан сўнг кўп ўтмай яна қайта оғрийди. Ваҳоланки, подада фақат соғлом сигирлар боқилиши керак. Бунга тўлатўкис эришмоқ учун эса ветеринария-профилактика тадбирлари зоотехника хизмати билан узвий боғлаб олиб борилиши керак. Демак, бу ўринда мутахассисларнинг ҳамиша бамаслаҳат иш тутишлари талаб этилади. Агар моллар белгиланган рацион асосида маҳсулдор чорва подаси ташкил этиш мумкин. Бизда эса кўпинча бунга аҳамият берилмайди. Мана оддий бир мисол: янги туғилган бузоқлар 6 ойлик бўлгунга қадар, албатта, белгиланган нормадаги сутни ичиши керак. Шундагина улар соғлом ўсади. Лекин биз ана шу масалада раҳбарлар билан ҳамон келиша олмаяпмиз. Улар: «бузоқлар кўп сут ичиб қўяяпти, бу аҳволда сут топшириш планимизни бажаролмаймиз» деб туриб олишади. Шунинг учун бузоқларга нормадаги сутнинг атиги 50 процентини беришга мажбур бўляпмиз. Бунинг оқибатида янги туғилган бузоқлар кўп ўтмай диспепсия касаллигига йича биринчи, иккинчи ва учинчи бузоқлаган пайтларида ғунажинларни алоҳида-алоҳида группаларга ажратиб боқиш, кунига 3 марта соғиш шарт. Соғиш жараёнида берётган сутига қараб емишини кўпайтириб бориш керак. Аммо биргина бизнинг хўжалигимизда эмас, бошқа колхоз ва совхозларнинг фермаларида ҳам бу масалага аҳамият берилмайди. Биринчи марта болалаган ғунажинлар умумий подага қўшиб боқилаверади. Икки марта соғилади. Натижада сигирнинг кунига қанча сут бериш қобилияти тўғри аниқланмайди.

Подадаги сигирлар зотининг тўла яхшиланмаётганлиги, серсут сигирлардан олинадиган бузоқлар ҳисобига пода сифатини яхшилаш жуда секинлик билан амалга оширилаётганлигига ҳам ўзимиз айбдормиз. Сунъий урчитиш пункти очиб қўйганмиз.

Лекин у яхши ишламайди. Ҳар йили республика Давлат наслчилик корхонасидан олинадиган уруғлар вақтида ишлатилмай исроф қилинади. Ишлатилганда ҳам самараси қутилгандек бўлмайди. Чунки малакали оссиминаторга эга эмасмиз. Малакали мутахассислар эса шароит йўқ, деб бизга ишга келишмайди. Ўтган вақт ичида бу лавозимда ишловчилар бир неча бор ўзгарди. Шунинг учун ҳам сунъий урчитиш борасидаги ишларимиз ҳам кўнгилдагидек эмас. Кўплаб моллар қисир қолмоқда. Ўтган йили ҳар юз-бош сигирдан 65 та бузоқ олдик, холос.

Область XXII партия конференциясида наслчилик ва ветеринария ишлари савияси пастлиги, озуқа етиштиришни интенсивлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишда ижчиллик кўрсатилмаётганлиги, ем-хашакни сақлаш ва уни қайта ишлаш учун зарур база яратишда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги туфайли озуқанинг 20 процентга яқини исроф бўлаётгани, ферма ва комплексларда қўл меҳнатининг ҳиссаси ҳамон юқори эканлиги каби масалалар билан муросасозлик қилиб келинаётганлиги танқид қилинди. Айнан кўрсатилган камчиликлар бизнинг хўжаликда ҳам мавжуд. Озуқа цехи йўқ. Ем-хашак даладан қандай келтирилган бўлса, шундайлигича молларга бериляпти. Кўпи нишхўрда чиқаяпти. Шу йилнинг ўзида четдан 50 тонна хашаки лавлаги сотиб олдик.

Озуқа етиштиришни интенсив йўлга қўйиш, механизациялаштириш ва шу йўл билан ем-хашак таннархини арзонлаштириш лозим. Бизда эса бу борадаги ишлар қўл кучи ёрдамида бажариляпти. Натижада озуқа ниҳоятда қимматга тушяпти. Масалан: ўтган йили бир центнер маккажўхори дони етиштириш учун 9 сўм 70 тийин ўрнига 23 сўм 60 тийин, 1 центнер кўк массага 1 сўм 33 тийин ўрнига 1 сўм 90 тийин сарфланди. Ҳаражатларнинг белгиланган нормадан ошиб кетиши билан келишувчилик қилиш оқибатида чорва маҳсулотлари таннархи юқори бўляпти.

Бир центнер сут ишлаб чиқариш 45 сўмга, гўшт эса 300 сўмдан ошяпти. 1985 йилда сут етиштириш пландаги 700 тонна ўрнига 607 тоннага, тухум 138 минг дона ўрнига 99 минг донага етганича қолиб кетди. Бунинг асосий сабабларини юқорида айтиб ўтдим.

Хулоса шуки,— ферма мутахассислари ролини ошириш керак. Хўжалик раҳбарлари чорвачиликдаги ҳар қандай муаммони ҳал қилиш жараёнида мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб иш юритсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

В. ПОРТОПОПОВ,
Бўка районидаги «Кўкорол» совхози сут-товар фермаси ветврачи.

НАСЛИГА БОҒЛИҚ

ЧОРВАЧИЛИК бригадамизда 586 бош қорамол бор. Бу моллар ҳисобига соғин сигирлар кирмайди. Биз тажрибакорлар, мутахассислар билан суҳбатлашиб молларни ёшига, наслига қараб группаларга ажратиб кечасию-кундузи бир хилда парвариш қилмоқдамиз. Озуқалар майдаланиб, буғланиб, тўйимлилиги оширилиб қишки рацион асосида молларга едирилмоқда. Ҳозир тун узун. Шунинг учун кечаси икки марта озуқа тарқатилмоқда.

Меҳнатни ташкил қилишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Молбоқарларга чорвани соғлом ҳолда сақлаганликлари, вазнига қанча вазн қўшаётганликларига қараб ҳақ тўланмоқда. Ҳар ойда бир марта шу мақсадда жониворлар тортиб кўрилади. Шунга қараб ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашда қўлланилаётган бу усул кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Бўрдоқибоқарларнинг масъулияти, ишга бўлган меҳр-ихлоси ортиб бораётир. Бир қорамолнинг суткалик семириши ўртача 700 граммдан ошяпти. 1985 йилда сут етиштириш пландаги 700 тонна ўрнига 607 тоннага, тухум 138 минг дона ўрнига 99 минг донага етганича қолиб кетди. Бунинг асосий сабабларини юқорида айтиб ўтдим.

Хулоса шуки,— ферма мутахассислари ролини ошириш керак. Хўжалик раҳбарлари чорвачиликдаги ҳар қандай муаммони ҳал қилиш жараёнида мутахассислар-нинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб иш юритсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

В. ПОРТОПОПОВ,
Бўка районидаги «Кўкорол» совхози сут-товар фермаси ветврачи.

НАСЛИГА БОҒЛИҚ

ЧОРВАЧИЛИК бригадамизда 586 бош қорамол бор. Бу моллар ҳисобига соғин сигирлар кирмайди. Биз тажрибакорлар, мутахассислар билан суҳбатлашиб молларни ёшига, наслига қараб группаларга ажратиб кечасию-кундузи бир хилда парвариш қилмоқдамиз. Озуқалар майдаланиб, буғланиб, тўйимлилиги оширилиб қишки рацион асосида молларга едирилмоқда. Ҳозир тун узун. Шунинг учун кечаси икки марта озуқа тарқатилмоқда.

Меҳнатни ташкил қилишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Молбоқарларга чорвани соғлом ҳолда сақлаганликлари, вазнига қанча вазн қўшаётганликларига қараб ҳақ тўланмоқда. Ҳар ойда бир марта шу мақсадда жониворлар тортиб кўрилади. Шунга қараб ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашда қўлланилаётган бу усул кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Бўрдоқибоқарларнинг масъулияти, ишга бўлган меҳр-ихлоси ортиб бораётир. Бир қорамолнинг суткалик семириши ўртача 700 граммданга тўғри келмоқда.

Ўзаро мусобақага ҳар ўн кунда якун чиқармоқдамиз. Ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилмоқда. Кейинги ўн кунлик якунига мувофиқ Ортиқбой Бозоров, Абдураим Раҳматуллаев, Исоқ Раҳматов, Ҳолбек Назаров, Ортиқали Раҳматовлар ғолиб деб топилдилар.

Уларнинг ғайрат-шижоати туфайли давлатга 20 тонна гўшт топшириб квартал планини ортиғи билан бажардик.

Маҳсулдор сигирларни кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Айни пайтда 80 бош наслли ғунажинларни парвариш қилмоқдамиз. Биз эришаётган ютуқда ҳар кимнинг ўз ўрни бор.

Бундан буён ҳам биз чорвачиликни интенсив ривожлантириш учун ҳаракат қилаверамиз. 1986 йил плантопшириқларини ортиғи билан бажаришга барча имкониятларни ишга соламиз.

Г. НУРИЕВ,
Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози фермаси бригадаси бошлиғи.

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ҲАЁТИДАН

ДЕПУТАТЛАР ҲИСОБ БЕРМОҚДАЛАР

ШУ КУНЛАРДА областимиз шаҳарлари, посёлка ва қишлоқларида депутатларнинг сайловчилар билан ҳисобот учрашувлари Советлар иш фаолиятини активлаштириш, уларнинг меҳнаткашлар билан алоқасини мустаҳкамлаш белгиси остида ўтмоқда. Халқ вакиллари ўз ҳисоботларини шу кунларда ҳал этиш учун кураш олиб борилаётган муаммолар билан боғламоқдалар, фақат депутатлик фаолиятларигина эмас, балки шахсий меҳнат натижалари ҳақида ҳам ҳисобот бермоқдалар.

Область Советининг депутатларидан Оҳангарондаги 8-темир бетон буюмлари заводи арматурачиси Раъно Худойбердиева, «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарь-асбобсози Татьяна Масленникова, Янгибозор луб заводи ишчиси Светлана Шурман, «Политотдел» колхози аъзоси Арофат Мирзахўжаевалар ҳам ўз сайловчилари олдида ҳисобот бердилар.

Ана шундай учрашувлардан бири яқинда Калинин районидаги Свердлов номли совхозда бўлиб ўтди. Махсус мухбиримизнинг учрашув тўғрисидаги репортажини эълон қиляпмиз.

МУҲАББАТ минбарга чиқа туриб залга кўз югуртирди. Назарида совхоз клубига ҳеч қачон бу қадар кўп одам тўпланмаган. Хўжалик ишларига оид йиғилишларнинг деярли ҳаммасида қатнашади. Лекин бирор марта залнинг бундай гавжум бўлганини эслолмайди.

Ҳа, давр ўзгараяпти, талаб кучаяпти, — ҳаёлидан ўтказди у. Мана шу хўжаликнинг ўзидан мисол. Ишлаб чиқаришга ҳамда меҳнаткашларнинг ишлаш ва яшаш шароитларига таллуқли камчиликлар, нуқсонлар, муаммолар озмунчами?

Хўш, Муҳаббатнинг ўзи ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати сифатида ана шу масалаларни ҳал этишга қандай ҳисса қўшяпти?

Очиғини айтганда, гапирса арзийдиган ишлар қилаяптику, аммо ҳамма камчиликларни тугатиш, муаммоларни ҳал этиш учун ҳали кўп иш қилиш керак. М. Умарова бор гапларни рўй-рост айтишга жазм қилиб, дадил сўз бошлади:

— Халқ ишониб сайлаб қўйган вакил сифатидаги бурчимни юз фоиз бажаряпман деёлмайман. Аммо сайловчилардан тушган наказларни вақтида амалга оширишга ҳаракат қилмоқдаман. Ҳозир совхозда ҳаммом қуриб ишга туширш тўғрисидаги масала ҳал бўлди, ҳисоб. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр, қурилиш ишлари яқин кунларда бошлаб юборилади.

Бугунги ҳисобот учрашувида у бевосита иши жойида қандай меҳнат қилаётганини ҳақида ҳам ахборот бериши керак. Лекин гап шу мавзуга кўчганида, аввалги дадиллиғи сусайиб, ўнғайсизлана бошлади. Чунки ўтган йили Свердлов номли совхоз Калинин районидаги айрим хўжаликлар қатори сабзавот етиштириш планини бажармади. Бунинг учун биринчи галда теплица хўжалиги ишчилари айбдор. Кўчатлар парваришида хотиржамликка йўл қўйилди, интизом бўшаштириб юборилди. Оқибатда кўчатлар ҳам кечки, ҳам нимжон бўлиб қолди. Ўша ишчиларнинг бири бўлган Муҳаббат ўз айбини ҳис қилиб, анча куйинди, лекин вақт ўтган эди, хатони тўғрилаб бўлмади.

— Деҳқонларнинг ҳосил кўчатдан олинади, деган ибратли нақллари бор, — деди у ниҳоят ўзини босиб олиб. — Парникда йўл қўйилган хатони далада тўғрилашнинг иложи бўлмас экан. Хуллас, биз ўтган йил сабоқларидан тегишли хулоса чиқариб олиб, бу йил тартиб-интизомни бўшаштирмадик. Ҳозир теплицадаги 5 миллион туп карам кўчати дуркун ривожланиб, деярли етилиб қолди. Эртаиндин кунлар илиши билан далаларга олиб чиқиб экиш мумкин.

Сўнгра совхоз ишчиси Шоиста Раҳмедова минбарга чиқди. Уни ҳамма танийди ва далада энг кўп жон куйдириб меҳнат қиладиган ишчан хотин-қизлардан бири сифатида ҳурмат қилади. Кейинги йилларда у жамоат ишларида ҳам чаққон, уддабурон эканлигини кўрсатди. Сайловчилар область Советининг депутатидан 33-мактабнинг янги биноси қурилишини тезлаштиришга ёрдам беришни сўрашганди. У «Ташоблсельстрой»нинг 2-механизациялашган кўчма колоннаси ўтган йили мактаб қурилишида нима учун 170 минг ўрнига 140 минг сўмлик иш бажарганлигини аниқлади. Маълум бўлишича объектда минорали кран етишмаётган экан. Депутат сўровидан сўнг қурилишга минорали кран келтирилиб, иш жадаллаштирилиб юборилди.

— Ҳозир 1176 ўринли янги типовой мактаб биносининг 2-қавати тиклаб бўлинди, — деди у сўзининг охирида. — 884 ўринли синфхоналари шу йил 1 сентябрда ўқувчиларни қабул қилиб олади.

Шундан сўнг область Советининг депутати, 33-мактаб ўқитувчиси Умида Йўлдошева сайловчилар олдида ҳисоб берди:

— Совхознинг 1-бўлимида болалар боғчаси қуриш масаласи ҳал этилаяпти. Бу орада 3-бригада дала шийпонида мавсумий болалар боғчаси ташкил этилган. Янги боғча қуриб битказилгунча у доимий ишлайдиган бўлади.

Учрашув сўнгида Свердлов қишлоқ Совети ижроия комитети раиси Анвар Маслонов, шофер Илҳом Ноибов, ишчилардан Мухтор Бурхонов ва Матлуба Мадаминова, 34-мактаб бошланғич партия ташкилоти секретари Жамила Хўжаева, Ўртаовул маҳалла комитети раиси Маҳамат Тожибоевлар сўзга чиқишиб, депутатларга янги наказлар беришди.

А. ЙЎЛДОШЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ХАВФ-ХАТАР САБАБЧИЛАРИ»

(Бир мақолага иккинчи жавоб)

Газетанинг 1985 йил 26 ноябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада қатор қоидабузар ҳайдовчилар орасида Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози тракторчиси Ф. Караев ҳам танқид қилинган эди. Унинг ножўя хатти-ҳаракатлари Куйбишев қишлоқ Совети ижроия комитети, «Коммунизм» колхози партия комитетининг қўшма мажлисида муҳокама қилинди. Маст ҳолда тракторни бошқарган Ф. Караев колхоз правлениеси ва касаба союз ташкилотининг қарори билан йиллик отпускадан маҳрум қилинди. Механизаторлар ўртасида меҳнат интизомини бўшаштириб юборган колхоз бош инженери К. Усенов, техника хавфсизлиги бўйича инженер У. Ҳошимов, участка механиги Х. Саиджаъфаровлар жиддий огоҳлантирилди.

СИЗНИНГ ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИНГИЗГА

РЕДИСКА

РЕДИСКА жуда тез пишиб етиладиган ва аҳоли кўп истеъмол қиладиган сабзавотлардан бири ҳисобланади. У шифобахш хусусиятга эга бўлиб, таркибида киши организми учун зарур бўлган калий, кальций, фосфор, темир, магний тузлари ҳамда модда алмашинуви учун зарур бўлган витаминлар бор. Унинг илдизмеваси таркибида «С» витаминининг кўп бўлиши бу ўсимликнинг киши саломатлиги учун қимматли эканлигини кўрсатади. Редисканинг яна бир хусусияти шундаки, у жуда эртапишар экин бўлиб, совуққа чидамли: 3—4 даража қисқа муддатли совуққа бемалол бардош бера олади. Унга униб чиқиб ҳосил қилгунча 12—15 даража, илдизмева ҳосил қилаётган даврда эса 16—20 даража иссиқлик қулай ҳисобланади. Агар ҳарорат 25—30 даражага етса ҳосил сифати бузилади. Шунинг учун редискани бизнинг шароитимизда фақат эрта баҳорда ёки кузда етиштириш мақсадга мувофиқдир. Бироз соя берадиган дарахт қатор ораларига экилганда ҳам у ўсаверади. Редиска экиладиган ернинг тупроғи юмшоқ, сувни яхши сингдирадиган ва унумдор бўлиши керак. Ҳосилни барвақт етиштириш учун редиска экиладиган ер кузда тайёрлаб қўйилади. Редиска унумдор тупроқда яхши битгани учун, уни олдинги йили яхшилаб ғўнглланган ерга экилади ёки экиш олдидан ерга чириган ғўнг солинади. Редиска экиш учун ерни чопиш олдидан ҳар 10 квадрат метр жойга 300 грамм суперфосфат, уруғни сепиш билан бир вақтда 150—200 граммдан аммиак селитраси солиш ҳосилдорликни анча оширади.

Уруғи 50—60 сантиметр кенгликдаги эгат марказларига икки-уч қатор ёки сочма қилиб, 1,5—2 сантиметр чуқурликка кўмилади, пушта устига чириган ғўнг сепилса ерни қатқалоқ босмайди ва экинни совуқ урмайди. Юз квадрат метр ерга 100—120 грамм уруғ сарфланади. Редиска 1—2 чинбарг чиқарганда ягана қилинади. Бунда ўсимлик ораси эртаги навлар учун 3—4 сантиметр, кечкилари учун 5—6 сантиметр бўлиши лозим. Баҳорги ёғингарчилик миқдорига қараб 2—3 марта суғорилади. Редиска бир мавсум маълум бир муддат оралиғида 2—3 марта етиштирилиши мумкин.

Редиска уруғини олиш учун сентябрь ойида сепилиб илдиз-мевалари октябрь ойининг охири ноябрь ойининг бошларида кавлаб олинади. Сўнг барг банди 1—2 сантиметр узунликда қолдирилиб кесиб ташланади. Сўнгра бу илдизмевалар шакли, катта-кичиклигига қараб уруғлик учун сараланади. Уруғлик редискалар ноябрь ойида ёки эрта баҳорда февраль—март ойларида очиқ далага экилади. Агар эрта баҳорда экилса у қишда унча чуқур бўлмаган ўраларда сақланади. Уруғлик редиска яхши ўғитланган ерларга қатор оралари 60—70 сантиметр, қатордаги ўсимлик оралари 30—40 сантиметр қилиб экилади. Редиска уруғи май ойида пишиб етилади. Бир квадрат метрдан олинадиган уруғ ҳосили 80—100 граммни ташкил этади.

Ўзбекистонда редисканинг тезпишар навларидан «Эртапишар», «Сакса», ўртапишарларидан «Тошкент оқ редискаси», «Оқ тушмуқ қизил редиска», кечкипишар «Майский», «Красний великан», «Тунган» навлари экилади. Эртапишар навларининг вегетация даври 20—25 кун, ўртапишарларники 35—40 кун, кечкипишар навлариники эса 45—50 кун ҳисобланади. Редисканинг шу кунлардан 20 мартгача бўлган муддатларда экиш тавсия этилади.

А. УМАРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, доцент.

Халқаро ҳаёт

ЗЎР ИШОНЧ БИЛАН

ПРАГА. ЧКПнинг XVII съезди арафасида ўтказилган ҳисобот-сайлов кампанияси ЧССРнинг ўнта областидаги, шунингдек Прага ва Братиславадаги партия конференциялари билан якунланди. Прага партия конференциясида сўзга чиққан ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари Густав Гусак чехословак халқининг тарихий тажрибаси уруш хавфининг олдини олиш учун, бутун дунёда мустаҳкам тинчликни сақлаб қолиш учун қатъият билан курашиш мажбуриятини зиммага юклайди, деб таъкидлади. Бундай қилиш барча халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушади. Шу туфайли ЧССР СССРнинг қуролсизланишга, ядро қуролини тугатишга, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган тинчликсеварлик ташаббусларини актив қўллаб-қувватлайди. ЧКП ўз съездига ўз кучқувватига зўр ишонч билан, оптимизм билан бормоқда, деб уқтирди Г. Гусак.

(ТАСС, 17 февраль).

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ НАТИЖАЛАРИ

ЛИССАБОН, 17 февраль. (ТАСС). Португалия сайловчиларининг кўпчилиги якшанба куни бўлиб ўтган президент сайловининг иккинчи даврасида социалистик партиянинг собиқ раҳбари М. Соареш учун овоз бердилар. У овозларнинг 51 процентдан кўпроғини олиб, ўзининг ягона рақиби — консерватив кучлар вакили Д. Фрейташ Ду Амаралдан илгарилаб кетди.

Сайлов натижалари кўпчилик португалияликларнинг 1974 йилги фашистларга қарши революция ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш йўлидаги муддаосини тасдиқлади. Португалия Компартиясининг позицияси М. Соарешнинг муваффақият қозонишида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Португалия Компартиясининг Бош секретари А. Куньял сайлов натижаларини демократия кучларининг ғалабаси деб баҳолади.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЗАРБАЛАРИ

БАЙРУТ. Байрут ватанпарварлари қаршилик фронтининг жангчилари Тарбих аҳоли пункти яқинида исроиллик босқинчиларнинг позицияларини ўққа тутдилар. Босқинчиларнинг блиндажига ракета тўппа-тўғри бориб урилиши натижасида тўрт солдат ўлган. Сирбин қишлоғи яқинида бир гуруҳ ватанпарварлар Исроил гумашталарининг «Жанубий Ливан армияси» механизациялашган соқчиларига ҳужум қилганлар. Икки ўртада бошланган жанг давомида сотқинлар тушган автомашина яксон қилинган.

* * *

ГАВАНА. Сальвадордан олинган хабарларга қараганда, Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронтининг отрядлари кейинги уч кун мобайнида Дуарте режими армиясининг 47 нафар солдатини сафдан чиқардилар. Ҳукумат қўшинлари мамлакат пойтахти Сан-Сальвадор шаҳридан 60 километр наридаги Сан-Висенти департаментида энг кўп талофот бердилар. Қўзғолончиларнинг «Венсеремос» радиостанцияси эшиттирган маълумотда айтилишича, ватанпарварлар Сан-Мигель, Усулутан ва Морасан департаментларида ҳам бир неча қотилни гумдон қилганлар.

(ТАСС, 17 февраль).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● КОБУЛ. Бултур АДР ташқи савдосининг ҳажми 1,68 миллиард доллардан ошди, бу — режалаштирилган кўрсаткичдан 21 процент ортиқдир, деди АДР савдо министри М. Жалалар БАХТАР агентлигига. У демократик Афғонистоннинг СССР билан ташқи савдо алоқалари юксак даражада эканини уқтириб ўтди.

◆ ИСТАМБУЛ. Турк ишчиларининг ҳаддан ташқари оғир меҳнат шароитлари ва улар шафқатсизларча эксплуатация қилинаётганлиги ишлаб чиқаришда одамларнинг тобора кўпроқ нобуд бўлишига олиб бормоқда ва меҳнаткашларнинг сиҳатсаломатлигига ўнглаб бўлмайдиган зиён етказмоқда, дейилади «Петроль — иш» касаба союзининг бу ерда эълон қилиқган ва мамлакатдаги ишчиларнинг аҳволига бағишланган маълумотномасида.

Туркияда энг оддий хавфсизлик нормаларига корхона эгаларининг тўла-тўкис риоя этмаслиги оқибатида ҳар йили корхоналарда 200 мингта авария содир бўлмоқда. Кейинги беш йил ичида бир минг тўрт юз ишчи ўлик бўлди, уч ярим минг ишчи эса ногирон бўлиб қолди.

● ҚОҲИРА. Мисрнинг Матрух вилоятида бадавийларнинг кўчманчи қабилаларини ўтроқ турмуш тарзига ўтказиш тажриба қилиб кўрилди. Икки мингдан кўпроқ бадавий оиласи эндиликда ғарбий чўл воҳаларида ўтроқ деҳқонлар бўлиб қолдилар. Мамлакат ҳукумати БМТнинг жаҳон озиқ-овқат программаси мутахассислари билан биргаликда кўчманчиларга замонавий деҳқончилик усулларини ўргатиш юзасидан кенг кўламда кампания олиб борди, уларга доимий уйлар берди, зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминланди.

(ТАСС, 17 февраль).

ОППОЗИЦИЯЧИ ПАРТИЯЛАРНИНГ ТАЛАБИ

ДЕҲЛИ. Покистондаги оппозициячи партияларнинг демократияни тиклаш ҳаракати уюшмаси ҳукуматнинг истеъфога чиқишини ва Зиёул Ҳақ режимининг Афғонистон Демократик Республикасига нисбатан ўтказаётган америкапарастлик сиёсати қайта кўриб чиқилишини талаб қилди. «Таймс оф Индиа» газетасининг хабарига кўра, шу ҳаракатнинг Файсалобод шаҳрида ўтказган оммавий митинги қатнашчилари Афғонистон теварагидаги вазиятга алоқадор масалаларни бартараф этиш мақсадида Покистон билан Афғонистон ўртасида бевосита музокаралар бошлаш зарурлигини таъкидладилар.

(ТАСС, 17 февраль).

ФРАНЦИЯ ЧАД ИШЛАРИГА АРАЛАШМОҚДА

ПАРИЖ. Франция Чаддаги ички можарога яна бевосита ҳарбий йўл билан аралаша бошлади. Мудофаа министрлигининг бу ерда хабар қилишича, Франция ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари Африкадаги шу мамлакатнинг шимолида миллий бирлик муваққат ҳукуматининг Уади Думдаги аэродромига бомба ташлаган. Парижда президент Миттеран Чадга назорат сафаридан қайтиб келган мудофаа министри Киль билан маслаҳатлашганидан кейин тез орада мана шундай ҳужум қилинган. У ерда министр Нжамена режимининг бошлиғи билан учрашган, режим бошлиғи Чадга янги француз ҳарбий қисмларини юборишни илтимос қилган.

(ТАСС, 17 февраль).

ҚЎПОЛ ИҒВОГАРЛИК

НЬЮ-ЙОРК, 16 февраль. (ТАСС). Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати халқаро ҳамжамият эътиборини Покистон ва Эроннинг Афғонистон ишларига қўпол равишда аралашувига жалб қилди.

Афғонистон Демократик Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий вакили М. Ф. Зарифнинг БМТ Бош секретари номига юборган хатида уқтирилишича, Покистон навбатдаги душманликдан иборат 5 февраль иғвогарлик қилган куни Покистон ҳарбий ҳаво кучларининг реактив самолёти Афғонистоннинг ҳаво чегараларига бостириб кирган. Бош Ассамблея ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган мактубда АДР ҳукумати Покистон ҳарбийларининг иғвогарона хатти-ҳаракатлари зудлик билан тугатилишини талаб этади.

● АҚШ маъмурияти Сальвадордаги америкапараст Дуарте режимини сақлаб қолиш учун унга ҳар томонлама ҳарбий ёрдам кўрсатмоқда. Аммо, эрксевар Сальвадор халқи шафқатсиз репрессияларга қарамасдан ўз озодлиги учун матонат билан курашмоқда. Ватанпарварларнинг сўнгги ҳарбий муваффақиятлари ана шундан далолат бериб турибди. Суратда: Америкаининг ҳарбий инструктори Пентагонга ёлланган каллакесарлар билан машқ пайтида.

ТАСС фотохроникаси.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

● АМЕРИКАНИНГ «Эйбн-сн» телекомпаниясининг Совет Иттифоқи ҳақида фильм яратиш устида иш олиб бораётган суратга олиш группаси яқинда республикамиз пойтахтига келди. Суратларда: (ўнгдан чапга) А. Навоий номли театрда суратга олиш пайти; СССР халқ артисти Б. Қориева ва Ўзбекистон ССР халқ артисти В. Васильев рақсга тушмоқда.

А. Кошкин фотоси. (ЎзТАГ).

ҚИЗЛАР ГУРУНГИ

Бекобод район марказидаги маданият саройида, хўжаликларнинг клубларида, чойхоналарда ва бошқа маданият муассасаларида «Ёшлар кечаси», «Ветераннар билан учрашув», «Қизлар гурунги», «Балли, қизлар», шеърият кечалари ва бошқа шунга ўхшаш тадбирлар ўтказиш донмий тус олмоқда.

Яқинда район маданият саройида «Қизлар гурунги» лекторийси ўтказилди. Гурунгга турли соҳаларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар, ветеран ва қаҳрамон оналар таклиф этилди. Кечани район партия комитетининг секретари Қ. Хуррамова очди. У районнинг иқтисодий ва социал ривожланишида хотин-қизларнинг актив иштироки ҳақида гапирди. Ойбек номли совхоз чорвачилик фермасининг бузоқбоқари Улфат опа Мирзаева эса ўзининг дастлабки меҳнат йўли ва бундан 40 йил муқаддам комсомолга ўтган даврини, ўша йиллар комсомолларининг ишлари ҳақида сўзлаб берди. Район халқ судининг ранси Бахтиёр Турғунов оилавий турмуш тўғрисида, болалар врачи Абдушукур Шодмонқулов медицина мавзусида суҳбат ўтказди. Район марказий кутубхонасининг катта методисти Муаззам Бобоева янги китобларни шарҳлаб берди.

Кеча охирида область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Зафар тароналари» ансамбли концерт кўрсатди.

Райондаги «Победа» колхозида ҳам «Қаҳрамон оналарни шарафлаймиз» мавзусида «Қизлар гурунги» ўтказилди. Кеча қатнашчилари учун турли қизиқарли суҳбатлар уюштирилди, колхоз сут-товар фермаси соғувчиларининг «Ким чаққон?» конкурси ўтказилди. Конкурсда соғувчи қизлар меҳмон кутиш, дастурхон безаш, гулдасталар тайёрлаш ва иш жараёнида соғиш аппаратларидан фойдаланиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Э. ИСМОИЛОВ.

РАССОМНИНГ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг маданият уйида СССР Рассомлар союзининг аъзоси Маҳамадиёр Тошмуродовнинг шахсий кўргазмаси очилди. Бу кўргазмадан рассомнинг 30 дан ортиқ асари жой олган.

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози қишлоғида туғилиб, вояга етган М. Тошмуродов ажойиб манзаралар, портретлар устасидир. Рассомнинг «Мамажон Назаров», «Жума оқун» каби портретлари, «Ер», «Ёмғирдан сўнг», «Ленинград қиши», «Елғизлик» каби полотнолари томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

ФЕРМАЛАРДА КОНЦЕРТЛАР

Район маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари чорва қишлови давом этаётган шу кунларда чорвачилик фермаларида бўлиб, чорвадорларга концертлар кўрсатишмоқда. Улар яқинда «Ленинизм» колхозининг сут-товар фермасида бўлдилар. Келес массивидаги чўпонларга ҳам хизмат кўрсатдилар.

ЯНГИ КЛУБ

Н. Ниёзов номли колхоз қишлоғининг марказида 375 ўринли янги клуб биноси фойдаланишга топширилди. Уни 74-колхозлараро кўчма механизациялашган колонна бинокорлари қурдилар.

М. ПЕЙСЕНОВ. Янгийўл райони.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Совет цирки усталарининг томошалари

Кубалик артист, гимнаст—атлет КРУМАЙС Александро Мегелио ПЕСЕНТО, бўғма илон ўргатувчиси—Игорь ПЕТРУХИН, таниқли масхарабоз, Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Вилен МЕЛИКЖАНЯН иштирок этади.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16 ва 19.00 да, якшанба кунлари эса соат 13, 16, 19.00 да бошланади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДАН ТУШГАН ЗАЯВКАЛАРГА БИРИНЧИ НАВБАТДА ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ.

Касса ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

СССР Алоқа министрлигининг ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ пуллик, олти ойлик кечки тайёрлов курсларига ҚЎШИМЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга 8—10-синф ҳажмида маълумотлилар ҳамда кундузги ўрта мактабларнинг 8—10-синф ўқувчилари қабул қилинади.

Ўқиш учун 25 сўм ҳақ тўланади.

Машғулотлар математика, тил ва адабиёт бўйича ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Техникум қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди: телевизион техника ва радиорелей алоқаси, район электр алоқаси ва радиолаштириш, автоматик электр алоқа, кўп каналли электр алоқа, телеграф алоқаси ва ахборотларни узатиш, алоқанинг линия-кабель иншоотлари, почта алоқаси, бухгалтерия ҳисоби (сирт бўлимда).

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР 28 ФЕВРАЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700189, Тошкент шаҳри, 189-алоқа бўлими, У. Юсупов кўчаси, 70-уй (10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа политехникуми» бекати; 10 троллейбус, 44, 48, 97-автобусларнинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-35-04.

СОВҒАБОП СОПОЛ БУЮМЛАР

«СОВҒАЛАР» МАГАЗИНИ ва Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг Октябрь бозорида жойлашган ФИРМА МАГАЗИНИ ПЕШТАХТАЛАРИДА СОПОЛДАН ИШЛАНГАН ТУРЛИ СОВҒАБОП БУЮМЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

БУНДАЙ БУЮМЛАР ЎЗИНИНГ ЖОЗИБАСИ, НАФИС ИШЛАНГАНЛИГИ БИЛАН ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИНИ ҚАДРЛОВЧИ КИШИЛАРГА МАНЗУР БЎЛАДИ.

«УЗМЕСТПРОМ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 76-47-11).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

Ҳар бир буюмнинг ўз ўрни бор

«БЕРЕСТЬЕ» КОРПУСЛИ МЕБЕЛЛАР ТЕРМАСИНИНГ БЎЛМАЛИ ШКАФЛАРИДА ҲАР БИР БУЮМГА АЛОҲИДА ЎРИН АЖРАТИЛГАН.

Унинг чиройли безакланган эшиклари ва махсус тутқичлари ўзига хос кўркамлик бағишлайди.

«БЕРЕСТЬЕ»—ХОНАДОНИНГИЗГА ҚУЛАЙЛИК ВА ФАЙЗ КИРИТАДИ.

«УЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 55-22-89).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32



● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ФУТБОЛ МАВСУМИ ОЛДИДАН

БАҲОНАГА ЎРИН ҚОЛМАСИН

Усмон Юсупов номли аграр саноат бирлашмасининг «Соҳибкор» командаси ҳам айни пайтда мавсумга тайёргарликни давом эттирмоқда. Футболчилари деярли ҳар куни Халқобод стадионида машғулот устида учратиш мумкин. Бошқа пайтларда эса спортчиларимиз Қибрайдаги «Пахтакор»нинг ўқув-машғулот базасида, Янгийўл шаҳридаги «Спартак» стадионида етакчи командалар билан ҳамкорликда ўртоқлик учрашувлари, машғулотлар ўтказмоқдалар.

Команда устози Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Е. Валицкий билан суҳбатлашдик.

— Янги мавсумга тайёргарлик ишларини январь ойининг дастлабки кунлариданоқ бошлаб юборган эдик. Футболчиларимиз умумжисмоний тайёргарлик машғулотларидан сўнг бир қатор ўртоқлик учрашувларини ўтказдилар. Мавсум олдидан уюштирилган ўйинларда фақатгина мастерлар командалари билан учрашишни мақсад қилиб қўймай, балки тайёргарлик даражаси турлича бўлган командалар бўлишига эътибор бердик. Шундай қилиб Тошкент давлат физкультура институти, Самарқанднинг «Динамо», Тошкентнинг «Пахтакор», Нижний Тагилнинг «Уралец» ҳамда ёшлар ўртасидаги халқаро турнирга тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон терма командалари билан ўйнаб кўрдик.

— Евгений Борисович, мавсумга қадар яна қандай учрашувлар ўтказилади?

— Айни пайтда футболчиларимиз Усмон Юсупов ҳамда «Пахтакор» командаси хотира соврини учун ўтказиладиган турнирга тайёргарлик кўрмоқда. Бундан ташқари бошқа зона пешқадамлари билан учрашишни ҳам режалаштирганмиз.

— Командада рўй берган ўзгаришлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Ўтган мавсумда команда шарафини ҳимоя қилган қатор футболчиларимиз турли сабабларга кўра бошқа клубларга ўтиб кетдилар. Масалан, ака-ука Сейтмеметовлар Совет Армияси сафига чақирилдилар, И. Поваляев Ростов-Доннинг «Ростсельмаш», Қ. Иброҳимов Тошкентнинг «Пахтакор» командалари сафида иштирок этишади. Айни пайтнинг ўзида «Соҳибкор»да «Наримановчи» командасидан А. Тихонов, Р. Идрисов, С. Юринлар машғулот ўтказишаяпти. Шунингдек, Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент области футбол мактабларидан Қ. Аҳмедов, А. Холматов, Қ. Романовскийлар иштирок этишаяпти. Ўқув тренировка машғулотларидан сўнг ўзини кўрсатган ўйинчилар команда сафидан муносиб ўрин оладилар.

— Евгений Борисович, ўтган йилги мавсумда «Соҳибкор» ўз зонасида ишончли ғалабага эришиб, ўн иккилар турнирида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритганида футбол мухлисларининг қувончи чексиз эди. Лекин биз кучли деб ҳисоблаган команда ўтиш турнирининг биронтасида ҳам ғалабага эриша олмади. Нега шундай бўлди? Умуман, ана шундай ҳол такрорланмаслиги учун ҳозирдан нимага эътибор бериш керак?

— Ўтган йилги ўн иккилар турнирида муваффақиятсиз қатнашганлигимизни изоҳлаш учун аввало соҳибкорчиларнинг Симферополнинг «Таврия» командаси билан ўтказган дастлабки учрашувларини эсга олмоқчиман. Эсингизда бўлса ўйиннинг 90-минутида командамиз рақиб дарвозасига тўп киритган эди. Лекин, учрашув судьялари бу тўпни ҳисобга олмадилар. Шундан сўнг биз СССР футбол бошқармасига расмий раддия хати юбордик. Аммо, бу учрашув тақдирини ўзгартирувчи ҳеч қандай амалий чора кўрилмади...

— Ростов-Донда маҳаллий «Ростсельмаш» командаси билан бўлган ўйинда ҳам судьялар қўпол хатоларга йўл қўйдилар, — қўшимча қилди команда бошлиғи Д. Шегай. — Ана шу муваффақиятсизликлардан сўнг биз парокандаликка тушиб футболчиларимизнинг руҳини кўтара билмадик...

Команда раҳбарларининг бундай изоҳи, очиғи, бизни сира қониқтирмади. Ўтиш турниридаги мағлубиятлар сабаблари коллективда атрофлича принципиал муҳокама қилинмаганлиги сезилиб турибди. Акс ҳолда тренерлар ўз ишларига, команда ўйинларига танқидий ёндошиб, ўтган мавсум охиридаги муваффақиятсизликка объектив баҳо берардилар. Улар ўтиш ўйинлари давомида команда биронта матчда ҳам ғалабага эриша олмаганлигини ҳали ҳам судьяларга тўнкаши кишини таажжублантиради. Аслида, Халқободда бўлган ўйинларнинг биронтасида ҳам «Соҳибкор» рақибидан устунлигини исботлай олмади. Турнирда қатнашган бошқа командалар ҳатто Халқободда ҳам тактик, ҳам жисмоний жиҳатдан кучли эканликларини учрашувларда яққол кўринди. Команда тренерлари ўтган йилги натижаларга танқидий нуқтаи назардан ёндошиб тайёргарлик ишларини янада жонлантирсалар мавсум давомида бўладиган жиддий синовларга ўйинчиларни пухта шайласалар мақсадга мувофиқ бўларди. Минглаб футбол мухлислари ўтган йил финалдаги муваффақиятсизлик «Соҳибкор» учун сабоқ бўлиб қолишини истайди.

Суҳбатни А. ҲАКИМОВ олиб борди.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

◆ АНДИЖОНДА аёллар командалари ўртасида баскетбол бўйича Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди. Биринчилик учун олиб борилган курашда Тошкентнинг «Буревестник» командаси волейболчилари ғолиб чиқдилар. Иккинчи ўринни Фарғона («Буревестник»), учинчи ўринни эса Андижон («Буревестник») коллективлари эгаллади.

◆ ВЛАДИМИР шаҳрида ўтказилаётган ёшлар ўртасидаги СССР самбо биринчилиги якунланди. Республикамиз вакиллари биринчиликдан учта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медаль билан қайтдилар. Командага уччала олтин медални ҳам областимиз вакиллари олиб бердилар. Тошкентлик «Динамо» полвонлари Константин Яшин, Сергей Байдин, Сергей Колмаковлар барча беллашувларни муваффақиятли ўтказиб, ўз вазн категорияларида ғалаба қозондилар.

◆ ВОЛЕЙБОЛ бўйича аёллар командалари ўртасида ўтказилаётган СССР чемпионатининг кучли 8 командаси аниқланди. Ана шу саккизликка кира олмаган 4 команда ўзаро учрашувлар ўтказиб, сўнгра биринчи лиганинг тўртта командаси билан ўтиш турнирида қатнашади. — Ана шу тўрт команданинг бири — Тошкентнинг «Автомобилист» командаси сўнгги учрашувда Одессанинг «Мединг» волейболчилари устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

◆ ҚИБРАЙ спорт комплексида футбол бўйича ёшлар ўртасида Тошкент халқаро турнирига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон терма командаси ҳамда ўтган йилги мавсумда муваффақиятли қатнашиб республика чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган Ангреннинг «Шахтёр» коллективи ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Бу матчда ангренликлар рақиб дарвозасига тўртта жавобсиз тўп киритиб, ишончли ғалабага эришдилар.

◆ ЧИРЧИҚ шаҳрида область комсомол комитети соврини учун аёллар ўртасида кросс мусобақалари ўтказилди. Майна Ҳасанова хотирасига бағишланган мазкур турнирда областимизнинг 11 командаси, жами 220 нафар енгил атлетикачи иштирок этди. Минг метрга югуришда В. Шван, 1500 метр масофада Л. Бобилева (иккаласи Ангрендан), 2000 метрда Г. Рисқулова (Чирчиқ), 2500 масофада С. Санникова (Янгиобод), 3000 метр масофага югуришда эса янгийўллик А. Сайфулина марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди. Команда ҳисобида Ангрен шаҳри кроссчилари биринчи ўринни эгалладилар.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ФАН ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўғит ўрнида балчиқ

СУНГГИ ПАЙТЛАРДА атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида жаҳон қишлоқ хўжалигида оқава сувлар чўкмаси кенг ишлатила бошланди. Бу чўкмалар зарарсизлантирилгандан кейин улардан ўғит сифатида фойдаланилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тупроқшунослик ва агрохимия институти олимлари Тошкент шаҳри оқава сувларини тозалаш иншоотларида йиғилиб қолаётган балчиқлардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиб чиқдилар.

Калинин районидаги Гагарин номли совхоз ва Калинин номли колхоз далаларига тўкилган балчиқ тупроқ таркиби ва унинг хусусиятларини анча яхшилаб, маккажўхори дони ҳамда яшил масса ҳосилдорлигини ўрта ҳисобда йигирма процентга оширди.

Балчиқни хўжаликлар олдиндан берган заявкаларга мувофиқ Тошкентдаги Салор аэрация станциясида текинга олиш мумкин.

Чиқинди фойда келтирмоқда

Узум шарбати тайёрлашда унинг данак ва пўчоқлари чиқитга чиқиб кетади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг микробиология институтида ачитқи микроорганизмлар ёрдамида мазкур чиқиндилардан биологик концентратлар ҳозирлаш технологияси ишлаб чиқилди.

Оржоникидзе районидаги Мусамуҳамедов номли совхозда суткасига 600 литр биоконцентрат тайёрлаш қувватига эга бўлган қурилма ишлай бошлади. Янги маҳсулотдан соғин сигирлар учун қўшимча ем сифатида фойдаланилмоқда.

Суғоришнинг тупроқости усули

Паркент канали ёқасидаги тоғ қияликларини ўзлаштириш қизғин тус олмоқда. Аммо, бу борада қатор қийинчиликлар ҳам туғилиб қолди. Лойиҳада кўрсатилган эгатли суғориш ишлари ўпирилишлар ва тупроқ ювилиши туфайли ўзини оқлай олмади.

Меҳнат Қизил байроқ орденли Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти олимларининг таклифига кўра бундай шароитда тупроқости суғориш усули кўпроқ самара бера бошлади. Боғларни шу усул билан суғоришда ҳар гектар майдонда 3 минг куб метр сув иқтисод қилинади.

А. СИЗОВ.

★

● Тошкентдаги В. Митрофанов номли сув спорти саройида сузиш бўйича республика чемпионати ниҳоясига етди. Мусобақаларда республика область ва шаҳарларидан 300 га яқин спортчи иштирок этди. СССР халқлари спартакиадасига тайёргарлик босқичларидан бири ҳисобланган бу биринчиликда мамлакатимиз чемпионатида иштирок этувчи спортчилар аниқланди. Суратларда: 1500 метр масофада ғолиб чиққан СССР спорт мастери тошкентлик Ирина Шубина (чапда), СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Лариса Белоконь (ўнгда).

А. Рисқиев фотоси. (ЎзТАГ).

★

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ КОНСУЛЬТАЦИЯ БЮРОСИДАН

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Газетхонларнинг саволларига Ўзбекистон Қасаба союзлари республика Советининг штатсиз ходими, «Тошкент ҳақиқати» жамоатчи консультация бюросининг аъзоси, юрист А. ҲАСАНОВ жавоб беради.

САВОЛ: менинг укам 18 ёшга тўлгани йўқ. Графикка мувофиқ унга тез-тез дам олиш кунларида ишлашга тўғри келади. Ҳатто у тунги ишларга ҳам жалб қилинади. Шу тўғрими?

К. АКБАРОВ, Нариманов шаҳри.

ЖАВОБ: йўқ, тўғри эмас. Амалдаги қоидага асосан дам олиш кунлари ва тунги ишларга (неча соатни ташкил қилишидан қатъий назар) 18 ёшга тўлмаган ўспиринлар жалб қилиниши мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, ўспиринлар иккинчи сменада ишлаганларида соат 22 дан эрталаб соат 6 гача ишни давом эттиришларини қонун ман қилади.

* * *

САВОЛ: ёшим 18 га тўлгунча 6 ой, кейин 5 ой ишлагач отпускага чиқдим. Умумий ҳисобда 15 кун дам олдим. Маъмурият менга 15 кунлик отпуска бериб тўғри йўл тутганми?

Қ. СОБИРОВ, Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: йўқ. Амалдаги қоидага кўра 18 ёшга тўлмаган ходимларга меҳнат отпускаси бир календарь ой ҳисобида белгиланади.

Сиз эса 18 ёшгача 6 ой ишлагансиз, демак ёши тўлмаганлар сифатида 15 календарь куни, қолган 5 ой учун давомий отпуска 6 иш кунини ташкил этади. Сизнинг жами отпуска кунингиз эса 21 кунни ташкил этади.

* * *

САВОЛ: касбим сувоқчи. Оҳак материаллари билан кўп ишлайман. Айтингчи, оҳак билан ишловчиларга пенсияга барвақт чиқиш бўйича имтиёз белгиланганми?

С. СОЙПОВ, Чирчиқ шаҳри.

ЖАВОБ: СССР меҳнат ва социал масалалар Давлат комитети ва ВЦСПС Президиумининг 1974 йил 15 октябрда тасдиқлаган рўйхатида кўрсатилишича, ёпиқ усулда оҳак билан банд бўлганлар соғлиққа зарарли шароитда ишловчи ишчилар ҳисобланиб, улар қўшимча отпуска олиш ва 55 (эркаклар учун) ёшдан пенсияга чиқиш имтиёзидан фойдаланадилар.

Сизнинг касбингиз сувоқчи бўлганлиги туфайли бу имтиёздан фойдаланиш қонунда кўрсатилмаган.

Р.—08591. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64664. Б. 1547. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12